# Мўминлар ўзаро муҳаббатлашишда, ўзаро раҳмдилликда, ўзаро ҳамдардликда бутун бир танага ўхшайдилар. Жасаддан бирор аъзо оғриса, бутун жасад бунга уйқусизлик ва иситма билан жавоб қайтаради», –дедилар

Нўъмон ибн Башийрдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўминлар ўзаро муҳаббатлашишда, ўзаро раҳмдилликда, ўзаро ҳамдардликда бутун бир танага ўхшайдилар. Жасаддан бирор аъзо оғриса, бутун жасад бунга уйқусизлик ва иситма билан жавоб қайтаради», –дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонлар бир бирлари билан муҳаббат, яхшилик, меҳр-оқибат, ёрдам, зарар келганда бир жасад каби бўлиш керак эканини, агар бирор аъзо оғриса, бутун жасад бунга уйқусизлик ва иситма билан ўзаро ҳаракатланишини баёнламоқдалар.



النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC E-Da'wah Committee